



Депутат минбари

АРАЛАШ САЙЛОВ ТИЗИМИ: у бизга нима беради?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларида сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгаришни ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқулланди.

Қодир ЖҲҲАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар
қўмитаси раисининг ўринбосари

Қонун лойиҳаси орқали Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Сайлов кодексига ҳамда 7 та қонунига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган

бир қатор янги нормалар киритиш таклиф этилмоқда.

Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларини сайлашда мажоритар ва пропорционал сайловларнинг ай-

рим элементларидан иборат аралаш сайлов тизимини жорий этиш кўзда тутилмоқда.

Назарий жиҳатдан олиб қараганда, мажоритар сайлов тизими номзоднинг нисбий ёки мутлақ кўпчилик овозларни олиши билан таъсирланса, пропорционал сайлов тизими берилган овозларнинг амалдаги мандатлар сонига нисбатан пропорционал равишда тақсимланишини аниқлатади. Аралаш сайлов тизимида эса ҳам пропорционал, ҳам мажоритар сайлов тизимининг ўзаро комбинациясидан фойдаланилади.

Қонун лойиҳасида Қонунчилик палатасининг 75 нафар депутатини амалдаги мажоритар сайлов тизими асосида, яъни бир мандатли сайлов округларида, қолган 75 нафарини эса пропорцио-

нал сайлов тизими асосида, яъни партиявий рўйхат асосида ягона сайлов округида сайлаш таклиф этилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, аралаш сайлов тизими бугунги кунга қадар дунёнинг ўнлаб мамлакатлари таърибасида синовдан ўтган бўлиб, ўша давлатларнинг социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожланишига хизмат қилмоқда ва амалда ўз самарадорлигини ҳар жиҳатдан намоён этмоқда.

Албатта, дунёдаги бирор бир мамлакатда идеал сайлов тизими мавжуд эмас. Бинобарин, пропорционал сайлов тизими ҳам ўзининг қатор прогрессив жиҳатлари билан бирга айрим камчиликларга ҳам эгадир.



Асосий мақсад — таълим сифатини ошириш ва ўқув дастурларини такомиллаштириш

“Ҳукумат соати”

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Адолат” СДП фракцияси таъаббуси билан навбатдаги “Ҳукумат соати” бўлиб ўтди.

Унда депутатлар “Умумий ўрта таълимни янги босқичга олиб чиқиш, таълим сифатини ошириш ва таълим дастурларини такомиллаштириш борасидаги вазифалардан келиб чиқиб, соҳадаги бошқарув тизимини ташкил этишга қаратилган қонунчиликнинг баъжарилиши ҳолати тўғрисида”ги масалани муҳокама қилдилар.

Кун тартибидagi масала юзасидан депутатларнинг саволларига Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазири биринчи ўринбосари Усмон Шарифходжаев жавоб берди.



Президентимиз раҳбарлигида кейинги йилларда мамлакатимизда таълим тизимини янада ривожлантириш, дарслик ва ўқув қўланмаларини замон талаблари асосида такомиллаштириш ҳамда уларнинг янги авлодини яратиш, ўқитувчи касбининг мақоми ва обрўсини кўтариш, уларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг соҳага доир қатор фармон ва қарорлари қабул қилиниб, юртимизда таълим сифатини ошириш, креатив фикрлайдиган кадрлар тайёрлаш,

ёшларни ватанпарварлик руҳида, юксак маънавият эгалари этиб тарбиялаш бўйича жиддий қадамлар ташланди. Утган қисқа даврда ўғил-қизларнинг сифатли таълим олиб, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари учун барча куч ва имкониятлар сафарбар этилди.

“Ҳукумат соати”да Қонунчилик палатаси депутатлари мактаб таълими тизимини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш, раҳбар ва педагог ходимларни танлаш, лавозимга тайинлаш, қайта тайёрлаш ва маънавиятини оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизmlарини такомиллаштириш бўйича

кўрилатган чора-тадбирлар билан қизиқдилар.

У.Шарифходжаев сўнги йилларда мамлакатимизда янги фикрлайдиган, юксак мезонлар асосида таълим-тарбия берадиган ўқитувчи ва педагогларни етиштириш, уларни қўллаб-қувватлаш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганини қайд этди. Янги таҳрирдаги Конституцияда ҳам илк бор ўқитувчи мақоми алоҳида белгила-ниб, таълим тизимини ривожлантириш давлатнинг бош вазифаси қаторига киритилганлигини айтиб ўтди.



Ўзбекистон Туркий инвестиция жамғармасига аъзо бўлмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида “Туркий инвестиция жамғармасини таъсис этиш тўғрисидаги битимни (Анқара, 2023 йил 16 март) ратификация қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди.

Анқара битими Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар ўртасида Туркий инвестиция жамғармасини таъсис этишни кўзда туттади. Битим жамғарманинг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

Битимнинг ратификация қилиниши Ўзбекистон Республикасининг Туркий инвестиция жамғармасига ўз молиявий улуши билан таъсисчи давлат сифатида аъзо бўлиб киришига ҳуқуқий замин яратади.

Туркий инвестиция жамғармасини таъсис этишдан асосий мақсад – Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар ўртасида минтақавий савдо ва иқтисодий фаолликни қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодий ривожлантиришдан иборат.

Жамғарманинг таъсис этилиши тузилма доирасида туркий давлатлар, хусусан, Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркия томонидан турли инвестициявий лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш имконини беради.

Қуйи палата томонидан қабул қилинган қонун маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилди.

Институт БПТсининг хайрли одимлари

Андижон давлат тиббиёт институтидаги “Адолат” СДП бошланғич партия ташкилоти аъзолари бўлган волонтерлар Андижон шаҳридаги МФЙларда мунтазам тарғибот тадбирлари олиб бормоқда. Уларнинг навбатдаги қадами кексалар орасида соғлом турмуш тарзи, тўғри овқатланиш ва спортнинг инсон саломатлигига фойдасига қаратилди.

“Бинокор” МФЙда яшовчи 50 нафардан ортиқ кексалар йиғилган даврада бўлгуси шифокорлар юқоридаги мавзуларда тушунтириш ишлари олиб бордилар. Саломатлик мавзусида тайёрланган буклетлар иштирокчиларга тарқатилди. Тадбир якунида отахон ва онахонларга совға-саломлар тақдим этилди.



Йўлдан адашган талаба

Демоқчимизки, ота-оналар фарзанд, айниқса, қиз бола тарбиясига катта масъулият билан қарашлари даркор. Чунки улар келажак яратувчилари, бўлгуси оналардир...



ҚАРДОШЛИКНИНГ МАНГУЛИК РИШТАЛАРИ

Узоқ давом этган суҳбатдан кейин Муҳаммадали ака билан ёлғиз қолганда у кишига эрталабдан бери миямда айланиб юрган саволни бердим.

– Муҳаммадали ака, миллий масала қай аҳволда?

Оқсоқол менга ҳайрон бўлгандек қаради. Ўзимча яна саволга аниқлик киритган бўлдим.

– Қирғизлар билан ўзбекларнинг муносабатлари қандай, демоқчи эдим?..



ЎҚИШГА ҚАБУЛ СИНОВИДА ЁЗМА ИШ ОЛИНСА...

Кўплаб мутахассисликлар бўйича ёшларни ўқишга қабул қилишда тест синовлари билан бирга ижодий имтиҳонлар ҳам олинади. Аммо филология, хусусан, ўзбек тили ва адабиёти йўналишига ўқишга қабул қилишда бу тамойил негадир йўлга қўйилмаган. Натижада эса талабаларнинг ёзма саводхонлиги ва нутқ масаласи бугун кун тартибига чиқаётган долзарб масала бўлиб қолмоқда. Эртага ёзма саводхонлиги нўноқ бўлган талаба қандай қилиб ёш авлодга она тили-дан дарс беради?! Нутқда ҳам муаммо бўлса-чи?



АРАЛАШ САЙЛОВ ТИЗИМИ: у бизга нима беради?

1 Масалан, ушбу тизимни жорий этган айрим хорижий мамлакатлар амалиётида партиявий рўйхатни шакллантиришда коррупция ва таниш-билишчиликка йўл қўйиш ҳолатларини учратиш мумкин.

Бироқ, агар партиявий рўйхатни шакллантириш жараёни қаттиқ назорат остида, ҳаққоний ва ҳолисона амалга ошириладиган бўлса, бу каби салбий ҳолатларнинг олди олинадиган ва охири-оқибат бундан бутун жамият наф қўради.

Мамлакатимизда эса аралаш сайлов тизими илк бор жорий этилмоқда. Агар мажоритар сайловда сайловчи конкрет шахсга овоз берса, пропорционал сайловда у ўзи маъқул деб топган сиёсий партияга овоз беради. Бу эса, ўз-ўзидан сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини оширади. Зеро, пропорционал сайлов тизими сиёсий партиялар ўртасида ўзаро рақобатни кучайтириб, сиёсий ҳаётда фикрлар плюрализмининг ривожланишига туртки беради.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқулланди ва у умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Баҳс-мунозаралар қизғин давом этмоқда.



Ифтихор

Хозиргина бир инсонни аэропортга кузатиб, “Ўзбекфильм”даги хонамга келиб, ушбу фикрларимни ёзишга қарор қилдим. Кузатган меҳмоним – кечаги ва бугунги дунё, хусусан, Европа киноси, санъати, маданияти, керак бўлса, жамиятнинг қарашларини ўзгартирган ва ўзгартиришга қодир санъаткор, жаҳондаги энг залворли кинофестиваллардан бири ҳисобланган Кани кинофестивалининг 2 қарра ҳақиқий “Олтин пальма янроғи” мукофоти совриндори (жаҳонда ундан кўпроқ ҳеч ким олмаган), Венеция кинофестивалининг “Олтин шер”, Берлин кинофестивалининг “Олтин айиқ”, Франциянинг “Сезар” ва яна унлаб мукофотлар соҳиби. Франция ва Италия Республикаларининг ҳақиқий қаҳрамони ЭМИР КУСТУРИЦА эди.

МУБОЛАҒАСИЗ, ҒУРУР ТУЙДИМ...

Энди бир бошидан бошласам.

Мен 2000 йилда у пайтдаги Тошкент санъат институтининг “Кино-телевидение режиссерлиги” бўлимига ўқишга кирдим ва кўз ўнгимда янги дунё – сеҳрли кино олами очила бошлади. Институтдаги устозларим Шўҳрат Аббосов, Маҳкам Муҳамедов, Улуғбек Зуфаров, Жўра Тешабоевлар мени ушбу ажиб ва сеҳрли дунёга олиб кира бошлади. Бирлари сенинг ақлинг етади, Достоевскийнинг “Телба”сини ўқи, деди ва мен ушбу асарга мафтун бўлиб адибнинг бошқа асарларини ҳам ўқиб чиқдим. Бирлари Эмир Кустурицанинг “Андеграунт” фильмининг кўр, деди ва мен бу фильмга ҳам мафтун бўлиб, Кустурицанинг барча фильмларини кўриб чиққанман.

Бир кун келиб ғойибона устозим деб билганим – довруғли режиссерни Қозон кинофестивалида кўришим мумкинлиги хаёлимнинг бир бурчагига ҳам келмаган эди. Меҳмонхона тамаддионасида тунги соат 3 гача “Пуанкаре” фильмининг унга кўрсатишим, фильмининг унга жуда ёқини ва мени ўзининг Европада бўладиган кинофестивалига расмий қақариши, уни Ватанимда бўлаётган 15-Тошкент халқаро кинофестивалига қақаришим, Тошкент ва Самарқандда 2 кун давомида у билан бирга дунё кино санъатидаги оддий масалалардан тортиб, инсоният учун глобал муаммоларгача бўлган масалалар ҳақида суҳбатлашиб чиқишим, уни уйимда меҳмон қилишим, у билан Самарқанд ва Тошкентни тунда яёв сайр қилишимиз...

Ҳа, айнан шу сайрларда, аниқроғи, тунда “Tashkent City”ни сайр қилаётганимизда, у билан “Hilton” меҳмонхонасидан аэропортгача бўлган кўчалардан кетар чоғимизда сарлавҳадаги сўзлар бот-бот кўнглимга келди.

Қозон кинофестивалидан қайтганимиздан кейин мен унинг продюсери Мирко Радинович билан Тошкентга келиши тўғрисида бир неча бор суҳбатлашганимизда, “Ўзбекистонга келсангиз, бизда у бор, бу бор...” деб роса мақтамоқчи бўлсам, у менга: “Музаффар, азизим, менинг ёшим 62 да, Эмирники 69 да, бизни ҳайратга сополмайсан, биз ҳамма нарсани кўриб бўлганмиз” дерди. Лекин Аллоҳнинг қудратини қарангки, Тошкентдаги тунги сайрда у ва Эмир ўз ҳайратини яширишолмасди. “Тошкент Париждан, Дубайдан ҳам зўр-ку!”, дейишдан чарчамасди. Буюк режиссер кета-кетгунча шу гапни такрорлайверди.

Ваҳоланки, Эмир Кустурица шахсини билган инсонлар, яхши англашдики, бу инсонни ёлғон ёхуд “мажбурлатиб” гапиришга ҳар қандай бойлик, ҳар қандай илтифот мажбур қила олмайди. Мен бошида уларни видеога олиб, бу гапларга унча эътибор бермадим. Бирдан ақлу шууримга ярқ этиб ўйлар кела бошлади. Энди уларнинг нигоҳи билан Тошкентимизга назар сола бошладим. Шунда мен уялдим, ўз-ўзимдан, ўзимиздан уялдим... Наҳотки, ўзгалар кўраётган, англаётган нарсаларни биз кўрмаймиз, биз англамаяпмиз.

Азиз ёшлар, ватандошлар! Кўзларимизни каттароқ очайлик, атрофимизда нималар бўлаётганини англайлик. Ахир ўзимиз йиллар давомида ҳавас қилаётган ўзга давлатлардан ўзиб кетган жойларимиз ҳам бор экан-ку. Нега шуни тушунгимиз келмайди, нега ўзгаришлар ҳақида бонг урмаймиз, кимдир гапиришни бошласа, маддоҳга чиқарамиз, нега ҳақиқатни тан олгимиз келмайди, нега ҳадеб нолийверамиз, нега кечамизга ва бугунимизга боқмаймиз, нега фақат ўз ВАТАНИДАГИ камчиликларни кўраётган кишиларни “ватанпарвар”га чиқариб, у билан керак бўлса, қўшилиб айб излаймиз? Нега? Нега? Нега?..



Наҳотки, ичимизда – қалбимизда яхшилик нури шунчалар камайиб кетган бўлса?

Бу сўзларни кўзимда ёш, қалбимда оғриқ билан ёздим. (Бу ҳам айримларга муболаға туюлар, майли, айтишганидек, “жиннига жинниликни исботлаб бўлмайди”.)

Буларни ёзишга мени ҳеч ким мажбур қилмади, балки шу ўйларимни ўқиган ИНСОН виждонан атрофига бир назар ташлар, деган ўйда ёздим.

Абдулла Орипов “Қуёш шаҳри” шеърида таърифлаганидек:

...Ўзбекка мактанаш одатмас, гарчанд,
Бағримни тўлғазар ушбу кун ғурур:
Тошкенту Бухоро, Хевок, Самарқанд,
Ҳар бири жаҳоннинг безаги бўлур...

Раҳмат сенга, “Тошкент кинофестивали”!

Раҳмат сизга, Эмир!!

Раҳмат сизга, Шавкат Миромонович!!

Музаффар ЭРКИНОВ,
кинорежисёр.
ЎЗА

Асосий мақсад — ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ВА ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

1 Мамлакатимизда амалга оширилган маъмурий ислохотлар натижасида мактабгача, халқ ва ихтисослашган таълим – ягона Мактабгача ва мактаб таълими тизимига бирлашди. Ҳозирги кунда тизимда 10 мингдан ортиқ мактаб, 30 мингдан ортиқ боғчаларда 8,5 миллион нафарга яқин тарбияланувчи ва ўқувчига салкам 700 минг нафар педагоглар таълим-тарбия бериб келмоқда.

Шунингдек, вазирликнинг марказий аппарати, ҳудудий бошқарма ва бўлимларнинг тузилмалари ўзгартирилиб, мактабгача ва мактаб таълими тизимини вертикал бошқаруви такомиллаштирилди. Таълим тизимини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш бўйича шу йил 26 май кунини қабул қилинган Президент фармони бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Ўтган даврда мазкур фармонда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан салмоқли ишлар қилинди. Хусусан, ҳудудларда 154 нафар малакали директорлардан иборат Директорлар кенгаши ташкил этилди.

Шунингдек, директор лавозимига номзодларни танлаб олиш ва уларни ўқитиш бўйича А.Авлоний номидаги миллий тадқиқот институтида тажриба синовдан ўтказилмоқда. Мактаб директорлари лавозимига номзодларни танлаш жараёни эса “Ўқувчиларнинг миллий кадрлар захираси” махсус электрон портали орқали амалга ошириляпти.

Депутатлар соҳада олиб борилаётган ишларни эътироф этиб, таълим ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга ус-лувий раҳбарлик қилишни амалга ошириш, шунингдек, таълим муас-



сасалари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш борасида олиб борилаётган ишлар бўйича саволлар беришди.

У.Шарифходжаевнинг қайд этишича, бугунги кунда тизимда 30 792 та мактабгача таълим ташкилоти, 10 160 та умумтаълим мактаби, 14 та Президент мактаби, 9 та ижод мактаби, 182 та ихтисослаштирилган мактаб мавжуд. Уларнинг фаолиятини вазирликнинг тегишли таркибий бўлинмалари, Мактабгача таълим агентлиги ва Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги мувофиқлаштириб боради.

Шу билан бирга, умумтаълим муассасалари бўйича статистика маълумотлар ва ҳисоботларни рақамлаштириш учун Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг Ягона электрон дастури (eр. maktab.uz) ишга туширилган.

Эътиборлиси, таълим муассасалари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш борасида нодавлат таълим ташкилотларини ташкил этиш бўйича ижобий нати-

жаларга эришилди. Айни вақтда 383 та нодавлат умумтаълим ташкилотларида 85 минг нафардан ортиқ ўқувчилар таълим олмоқда.

Халқ вакиллари бу борада қилинган ишларни ижобий баҳолаган ҳолда, таълим ташкилотларида кадрларнинг касбий тайёргарлик сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, ўқув дастурларини такомиллаштириш бўйича қандай ишлар қилинди, деган саволларни ўртага ташладилар.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги уринбосари 2023 йилда режа бўйича 512 809 нафар ўқувчи малакасини ошириш белгиланган бўлиб, бугунги кунга қадар 309 минг нафар ўқувчиларнинг малакаси оширилганини таъкидлади. Жорий йил 8-9 август кунлари янги ўқув йилига тайёргарлик, Президент мактабларининг илғор тажрибаларини жорий этиш мақсадида республика миқёсида “Устозларнинг миллий иккинчи форуми” ташкил этилганини қайд этди.

Президент мактаблари тажрибаси асосида математика ва инглиз тили фани ўқувчилари учун 3 босқичли касад усулида семинар-тренинглар ташкил этилиб, ҳозирги кунга қадар 16 021 нафар математика фани, 17 477 нафар инглиз тили фани ўқувчилари ўқитилган. Иил якунига қадар эса барча ўқувчиларнинг малакаси оширилди.

Бундан ташқари, таълим дастурларини такомиллаштириш борасида ҳам амалий ишлар бошланган. Хусусан, мактабларда таълим сифатини ошириш мақсадида маҳаллий ва халқаро экспертлар иштирокида 22 та умумтаълим фанларидан иборат Миллий ўқув дастури яратилди. Мазкур дастурда 20 та компетенция мужасамлаштирилган.

Муҳокамаларга бой бўлган “Хуқумат соати”да депутатлар томонидан соҳа истиқболга қаратилган бир қатор таклифлар берилган ҳолда, кун тартибидега масала юзасидан парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

Ўқув-режа амалиёти ўрганилмоқда

“Адолат” СДП Термиз туман кенгаши ва унинг депутатлик гуруҳи томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳи “Ўзбекистон-2030” стратегиясининг 2023 йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режасининг 6-бандида умумий ўрта таълим муассасаларида юқори синф ўқувчиларининг қобилияти ва танлови асосида мактабларда таянч ўқув режаси ҳамда амалда мавжуд синфларда математика – чет тили йўналишида ўқув-режасини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, шунингдек, 2023-2024 ўқув йилида тумандаги 16-ИДУМда тажриба-синов тарихида танлов фанларини жорий этилганлиги ҳолатлари ўрганилди.

Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот хизмати



ТАКЛИФЛАРИМИЗ МУҲИМ ҲУЖЖАТДА АКС ЭТДИ

2023 йил 11 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон — 2030" стратегияси тўғрисида"ги фармони билан Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнида орттирилган тажриба ва жамоатчилик муҳокамаси, таклифлари асосида ишлаб чиқилган "Ўзбекистон — 2030" стратегияси тасдиқланди.

Жўрабек Жўраев,
"Адолат" СДП Тошкент шаҳар кенгаши бош мутахассиси

Ҳужжатда барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторида ўрин олиш, аҳоли талабларига ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил қилиш, аҳоли учун қулай экологик шароитларни яратиш, халқ ҳизматидаги адолатли ва замонвий давлатни барпо этиш ҳамда мамлакатнинг суверенитети ва ҳафсизлигини кафолатли таъминлаш каби мамлакатимиз ривожига ҳамда халқимиз фаровонлигини таъминлашда муҳим бўлган ғоялар акс эттирилди.

Дарҳақиқат, барча даврларда тараққиётни таъминлаш учун жамиятнинг маънавий камолоти, мафқураси ҳамда маданиятининг бойитилишига катта эътибор қаратишган. Бугуннинг талаби ҳам аслида шу. Аҳолининг маънавий камолотини юксалтиришда, шубҳасиз, санъат ва маданиятнинг ўрни беқисс.



Бугун мамлакатимизнинг олис ҳудудлари, чекка овулларидан истиқомат қилувчи аҳолининг маънавий камолотини юксалтириш, маданиятнинг охириги алоҳида эътибор бериш ҳар қачонгидан долзарб. Бойси аҳолиимизнинг аксарияти марказлардан узоқда истиқомат қилишади. Агар масалага эътибор қаратилса, республиканинг олис манзилларида маданият уйлари етарли эмаслигини кўришимиз мумкин. Шунинг учун айнан олис қишлоқ аҳолининг маданияти,

уларнинг моддий-техник базасини такомиллаштириш керак.

Қувонарлиси, ушбу масалада "Адолат" СДП Тошкент шаҳар кенгаши жамоаси томонидан "Ўзбекистон — 2030" стратегияси лойиҳасига берилган таклиф "Тараққиёт стратегияси" маркази томонидан қўллаб-қувватланди ва ғояларимиз ушбу муҳим ҳужжатда ўз аксини топди.

Унга кўра, стратегияда жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналарини кенг омаллаштириш, жамиятда китобхонликни ҳамда аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни ривожлантириш ҳамда маданият ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини яхшилаш ва соҳа ходимларини қўллаб-қувватлаш, таъмир ва амалий санъат йўналишларини ривожлантириш борасида бир қатор аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Эндиликда, мазкур стратегиядаги мақсад ва вазифаларнинг ижросини таъминлаш давлатимиз ва кенг жамоатчилигимизнинг олдида турган асосий вазифадир. Демак, халқимизнинг маънавиятини юксалтириш, маданий савиясини оширишдек эзгу иш йўлида барчамиз бирдек масъулият билан, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилмоғимиз, ушбу муҳим ҳужжатнинг халқимиз ҳаётида акс этишини таъминламоғимиз даркор.

Давра суҳбати

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитаси томонидан "Ўзбекистон — 2030" стратегияси — Янги Ўзбекистон тараққиёти йўлида" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда қўмитаси раиси Елена Борисова, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректори, Ўзбекистон Республикаси ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази директори Ботир Даминов, депутатлар, соҳа мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

"ВАУЧЕР" ТИЗИМИ: кимлар дори воситалари билан бепул таъминланади?



"Ўзбекистон — 2030" стратегияси истиқболимиз тақдирини ҳал этувчи муҳим ва янги давр босқичини ўзда ифодалаган муҳим дастурий ҳужжатдир. Стратегияда ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш, барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш, сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофиза қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат босқарувини ташкил этиш, "хавфсиз ва тинчликсевар давлат" тамойилига асосланган сиёсатини изчил давом эттириш каби мақсадлар ўз аксини топган.

Давра суҳбатида қайд этилганидек, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида аҳолининг ўртача умр давомийлигини ошириш, бирламчи тиббий хизматларни янада яқинлаштириш, болалар ўртасидаги ирқий касалликларнинг олдини олиш ва даволаш самардорлигини ошириш, онкологик касалликларни эрта аниқлаш ва ўлим кўрсаткичини камайтириш, юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси самардорлигини ошириш ҳамда тиббиёт соҳасига рақамли технологияларни кенг жорий қилиш масалалари устувор вазифа қилиб белгиланган.

Шунингдек, 2024 йил 1 январдан бошлаб вирусли гепатитнинг "С" тури билан касалланган беморларни, гематопозитик суяк кўмиги ўзақ ҳужайралари трансплантацияси муолажасига муҳтож онкологик касалликларга чалинган болаларни тўлиқ Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан даволаш йўлга қўйилади.

Бундан ташқари, ногиронлиги бўлган шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация ҳамда дори воситалари билан таъминлаш ишлари "ваучер" тизими асосида босқичма-босқич ташкил этилиши кўзда тутилмоқда. Бундан ногиронлиги бўлган шахсларга товар ва хизматларни ўзлари танлаган етказиб берувчидан харид қилиш имконияти яратилиб, уларнинг харажатлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

Тадбир иштирокчилари "Ўзбекистон — 2030" стратегияси мамлакатимизнинг келгуси етти йиллик фаолиятини белгилаб берувчи муҳим ҳужжат ҳисобланиб, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама жадал ривожланишида, юртимизни модернизация қилишда ва ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилишини алоҳида қайд этдилар.

Давра суҳбати якунида кун тартибидagi масала юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган бўлди.

Ўз мухбиримиз

Депутатлик гуруҳларида

Ишончли вакиллар халқ билан бирга



"Адолат" социал-демократик партиясидан сайланган депутатлар халқ билан елкама-елка, ҳамнафасликда яшаиш, уларни қийнаб келадиган муаммоларни вазиятларга ечим топиш, оғирини енгиш, мушкулликни осон қилиш йўлида астойдил фаолият кўрсатмоқдалар.

Маърифат НАЗАРОВА,
Жиззах вилоят кенгаши матбуот котиби

Муаммолар масалаларини ижобий ҳал этиш, энг аввало, масъулият ва қатъият тақозо этади. 2023 йилнинг ўтган даври мобайнида туман кенгаши депутатлари томонидан ҳудудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахсларига ўрнаниб ваколатига кирувчи масалалар бўйича асосланган тушунтириш бериш ёки ўз позициясини баён қилиш талаби билан 40 дан ортиқ депутатлик сўровлари юборилди. Улардан 12 таси қонун ва ҳукумат қарорларининг жойлардаги

ижроси юзасидан депутатлик назорати бўйича, 28 дан ортиқ фуқаролар мурожаатлари асосида сўровлардир. Сўровларнинг 34 таси ижобий ҳал этилиб, қолган 6 та сўровни ҳал этиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Халқ депутатлари Ғаллаорол тумани Кенгашидаги депутатлик гуруҳи ташаббуси билан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Кенгашнинг доимий комиссиясига 11 та, туман кенгаши сессиясига 2 та масала киритилди. Ушбу масалалар юзасидан доимий комиссия

ва сессиянинг тегишли қарорлари қабул қилиниб, ижроси юзасидан депутатлик назорати ўрнатилди.

Бир қарашда мурожаатчиларни ортиқча овора этмай, ижобий ҳал этилаётган муаммолар масалаларга осонгина ечим топилаётгандек. Бироқ ҳар бир ишнинг ўзига яраша залвори, юки ва машаққати бор. Бу борада депутатларимиз кўрсатаётган жонбозлик эътирофга лойиқ.

Халқ депутатлари Ғаллаорол туман Кенгаши депутати Рустам Ҳамдамов ташаббуси билан 2023 йилда тумандаги "Гулистон" ҚФЙга қарашли "Абдукарим" шаҳарчаси, "Жабоб", "Гадой", "Олмасуфвон" қишлоқларидаги 4 километрдан ортиқ йўللарга шағал тўкилди. "Гадой" қишлоғига 30 та электр симёғочлари ўрнатилди. "Абдукарим" шаҳарчасидаги 20 тадан зиёд хонадон интернет тармоғига уланди, 160 метр чуқурликдан тоза ичимлик суви чиқарилиб, 800

метр масофадаги хонадонларга тоза ичимлик суви етказилди.

Жорий йилда "Жабоб" қишлоғига 35 та электр симёғоч келтирилди.

Шунингдек, халқ депутатлари Ғаллаорол туман Кенгаши депутати Юсуф Очиллов "Қўйтош" шаҳарча фуқаролар йиғинида аҳоли мурожаатларидан келиб чиқиб, "Қўйтош" ШФЙдаги Дўстлик кўчасига 28 та янги электр симёғочлари ўрнатилди. Бундан ташқари, ҳудуддаги Навоий кўчасида яшовчи аҳоли сони кўпайиши натижасида, электр энергиясига нисбатан ортиб бораётган эҳтиёж сабаб электр тармоқларидаги тез-тез узилишларнинг олдини олиш мақсадида кўшимча трансформатор ўрнатиб берилди.

"Қўйтош" ШФЙдаги "Наврўз" кўчаси неча йилдирки таъмирталаб эди. Кўча-ларнинг носозлиги автомашиналар ва фуқароларнинг ҳаракатланишига, айниқса, тумандаги 60-сонли умумтаълим мактабига борадиган ўқувчилар қатнови учун ноқулайликлар туғдираётгани аҳолининг оғриқли масалаларидан бирига айланганди. Мазкур муаммо ҳам депутат эътиборидан четда қолмади. Бир қатор масъуллар ва ҳомиёлар жалб қилинган ҳолда, "Наврўз" кўчасига шағал ётқизилди ҳамда чанг ва ёғингарчилик кунларда фуқаролар дуч келадиган ноқулайликлар бартараф этилди. Ҳозирда эса мазкур кўчани асфальтлаш бўйича ишлар жадал суратларда амалга оширилмоқда.

Халқнинг ишончли вакили бўлишнинг масъулият ва мажбуриятлари бор. Уларни виждонан адо этаётганлар эса, шубҳасиз, халқ эъзозига ва ҳурматига сазовордир. Партиямиз илгари суратган ғояларга кенг жамоатчиликда хайрихоликни ошириш ва ҳаётга татбиқ этиш кўн жиҳатдан партия депутатлик гуруҳлари аъзоларига ҳам боғлиқ. Депутатларимиз ўз фаолиятлари самардорлигини янада ошириш ҳаракатида бўлаётганлиги аҳолини мамнун этмоқда.

Депутатлар фаолиятдан

160 НАФАР ЁШЛАР иш билан таъминланди

Мамлакатимизда ёшларнинг униб-ўсишлари, жамиятда муносиб ўринга эга бўлишлари учун барча шарт-шароитлар яратилаётгани Янги Ўзбекистонимиз келажиги учун муҳим жараён ҳисобланади. Партияимиз фаоллари, депутатлари томонидан ҳам ёшлар бандлиги масаласига эътибор қаратилиб, уларни қийнаётган муаммоларни бартараф этишга устувор вазифа сифатида қараб келинмоқда.

Ёшлар бандлиги масаласи шовотлик депутатимиз Хурсанд Исмоиловнинг доимий диққат марказида. Унинг сайъ-ҳаракати билан туманда фаолият олиб бораётган йирик корхоналардан бири — "Uztech group" МСНҲ қўшма корхонасига ҳар йили 500 нафардан зиёд фуқаролар ишга жойлаштирилмоқда.

Депутат ташаббуси билан яқинда мактаб битирувчилари ҳамда ишсиз аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида "Uztech group" МСНҲ қўшма корхонаси Шовот филиалининг фаолияти билан танишиш учун экскурсия ташкил этилди. Экскурсия давомида корхона ишчиларига яратилган шарт-шароитлар, меҳнатга муносиб иш ҳақи тўлаш, мавжуд иш ўринлари ва бошқа имкониятлар тўғрисидаги маълумотлар иштирокчиларда қизиқиш уйғотди.

Натижада ишга кириш истагини билдирган 160 нафар фуқароларнинг бандлиги таъминланди.

Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби



Тўйхат ўрнида

Маълумки, барча даврларда ҳар қандай давлатнинг асосий вазифаларидан бири жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш ҳисобланган. Юриспруденцияда ҳам мазкур масала марказий ўрин эгаллайди. Жиноят ҳуқуқи фани эса айнан ушбу муаммоларни ўрганиши билан шуғулланади. Бўлажак ҳуқуқшунос талабалар томонидан жиноят ҳуқуқи, қайсибир маънода, махсус фан сифатида ўрганилади.

Ташаббускор раҳбар ва салоҳиятли олим

**Мавлуда ЭЛМУРОДОВА,
Зилола ТОЛИПОВА,
Тошкент давлат юридик университети
АРМ ходимлари**

Мазкур фанни талабаларга ўргатиш, ушбу соҳада олиб борилган илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш, шунингдек, жиноят-ҳуқуқий соҳада амалга оширилаётган давлат сиёсатини амалга оширишда Тошкент давлат юридик университети (эндиликда Тошкент давлат юридик университети) "Жиноят ҳуқуқи ва криминалогия" кафедраси муносиб ўрин эгаллайди. Ушбу кафедра олимларининг саъй-ҳаракати билан мамлакатимиз ҳуқуқ тизимида кўпball қарорлар ва қонунларнинг назарий асослари ишлаб чиқилди. Хусусан, Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо давлатлар орасида Ўзбекистон Республикасида биринчи бўлиб Жиноят кодексини қабул қилинди. Мустақил давлатимиз Жиноят кодексини ишлаб чиқишда "Жиноят ҳуқуқи ва криминалогия" кафедраси аъзолари – профессор Мирзаюсуп Рустамбоев, профессор Йўлдош Каракетов, доцент Мухаммаджон Усмоналиев ва бошқалар бевосита қатнашдилар. Бу борада юридик фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, шу кунларда 70 ёшини нишонлаётган Мирзаюсуп Рустамбоевнинг ҳам хизматлари катта бўлди.

Мирзаюсуп Рустамбоев илмий ва педагогик фаолиятини 1979-1988 йилларда Тошкент давлат университети ҳуқуқшунослик факультетининг "Жиноят ҳуқуқи"

кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида бошлади. 1988–1995 йилларда "Жиноят ҳуқуқи" кафедраси мудири лавозимида фаолият олиб борди. 1995–1996 йилларда Тошкент давлат юридик институтида Илмий ишлар бўйича, 1996–1998 йилларда Маънавий-маърифий ишлар бўйича, 1998–2001 йилларда Ўқув институтининг ректори лавозимида фаолият юритди. У 1983 йилда номзодлик ва 1993 йилда докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди.

Унинг раҳбарлик фаолияти даврида Юридик институтида 254 та дарслик, 25 та кодекс ва қонунларга шарҳлар, 600 та ўқув қўлланмалар, 719 та ўқув-методик қўлланма, 237 та монография, 369 та брошюра, шунингдек, юридик коллежлар учун 30 та дарсликлар chop этилди. Бу саъй-ҳаракатлар кейинчалик ўз самарасини берди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 2002 йил 17 декабрдаги буйруғига биноан ТДЮИ дарсликлар, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмаларни нашрга тайёрлаш ва chop этиш бўйича республика олий ўқув юрлари орасида биринчи ўринни эгаллади.

Бевосита унинг раҳбарлигида

ўқув жараёнини такомиллаштириш, сифат даражасини кўтариш мақсадида 2001–2012 йилларда Давлат таълим стандартининг бакалаврият(1) ва магистратура (10) йўналишлари дастурлари тўлалигича кўриб чиқилди ва бу дастурлар қайта ишланиб, таълим тизимига татбиқ этилди. Янги авлод ўқув дастурлари (бакалаврият йўналиши бўйича – 45 та, магистратура йўналиши бўйича – 56 та) Республика ҳуқуқшунослик факультетларининг ўқув жараёнларига кенг жорий қилинди.

Бундан кўзланган мақсад – босқичма-босқич бакалаврият ҳамда магистратура йўналишларида янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш эди. Институт жамоаси бакалаврият ҳамда магистратура йўналишлари учун ўқув адабиётларини ёзиб тугатиб, 100 фойз ўқув адабиётлар билан таъминланганлик даражасига эришди. Масалан, дарсликлар – 254 та (1991–2001 йилларда – 17 та бўлган) шундан лотин ёзувида – 59 та, қорақалпоқ тилида – 7 та, ўқув қўлланмалар – 600 та (1991–2001 йилларда – 108 та), ўқув-услубий қўлланмалар – 719 та (1991–2001 йилларда – 29 та), юридик коллежлар учун дарсликлар – 30 та яратилган.

М.Рустамбоев раҳбарлигида 1999–2012 йилларда ТДЮИ ҳузуридаги Ихтисослашган кенгашларда 59 та докторлик ва 315 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. ТДЮИ профессор-ўқитувчиларининг илмий салоҳияти 2000 йилда 35 фойз бўлган бўлса, 2012 йилда 71 фойзга ўсган.

2001–2012 йилларда М.Рустамбоев бошчилигида институт томо-

нидан 300 дан ортиқ қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳалари тайёрлиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига тақдим этилган. Қолаверса, унинг раҳбарлигида 462 мартаба илмий тадбирлар, шу жумладан, 100 дан ортиқ халқаро даражадаги анжуманлар амалга оширилган бўлиб, 170 га яқин конференциялар материаллари нашрдан чиқарилган.

Унинг раҳбарлиги даврида институт профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш йўналишига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, профессор-ўқитувчилардан 670 нафари (шу жумладан, 169 нафари хорижий давлатларда) малака ошириб, ўзaro тажриба алмашишга эришилган. Ўз ўрнида ТДЮИ ҳузуридаги малака ошириш факультетида республиканинг турли ташкилотларидан 2026 нафар мутахассис ўз малакасини оширган.

Мирзаюсуп Рустамбоев 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий-техник институтининг бошлиги ва 2021 йилдан бери Жамоат хавфсизлиги университети бошлиги лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Унинг ҳуқуқий соҳадаги қилган хизматлари муносиб тақдирланган. У 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан II-даражали "Шон-шараф" ордени билан мукофотланди. Ҳуқуқшунос олимнинг фаолияти ва илмий соҳада олиб бораётган ишлари муваффақиятли, хайрли бўлишига тилакдошмиз.

Йўлдан адашган талаба

Албатта, ҳар бир инсон ҳаёти давомида гоҳида қийинчиликларга, оғир синовларга дуч келади, буларни ўзининг сабр-қаноати билан енгиши кишини келгусида саодатли кунларга элтади. Қийинчиликларга бардош бермасдан босилган қадам эса номига бир умрлик кетмас доғ тушишига сабабчи бўлади.

**Шерзод ШОДМОНОВ,
ИИБ Транспорт ва туризм объектларида
хавфсизликни таъминлаш департаменти Тергов
бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича терговчиси**

Эндигина 19 ёшга тўлган хоразмлик Назокат (исми ўзгартирилган) 2022 йилда орзусига етиб, Самарқанд шаҳрида жойлашган нуфузли олий ўқув юртига ўқишга қабул қилинади. У 2023 йил 15 май куни йўловчи поездига чипта сотиб олиш мақсадида Самарқанд темир йўл вокзали чиптахонасига келиб, навбатга туради. Шунда унга асли хоразмлик бўлган ўрта умумтаълим мактаби ўқитувчиси Гулдона Муродова (исм-фамилияси ўзгартирилган) юртдошлигини ҳурмат қилиб, ўзининг навбатини беради.

Г. Муродова 2023 йил 30 май кунига "Самарқанд — Урганч" йўналишидаги йўловчи поездига нафақа гувоҳномаси асосида имтиёзли нархда чипта сотиб олиш жараёнида банк пластик картасининг коддини чиптахона ходимига маълум қилиб, чипта учун тўловни амалга оширади. Мижоз билан банк ходимини зимдан кузатиб турган Назокат айтилган банк пластик картаси коддини ёдлаб олади. Чипта сотувчи ходим Гулдона Муродовадан нафақа гувоҳномасининг ксеро нусхасини тақдим қилишини сўрайди. Гулдона нафақа гувоҳномаси нусхасини олиб келиш учун ташқарига чиқадию чиптахона ойнаси яқинида банк пластик картасини унутиб қолдиради. Буни кўрган Назокатнинг кўнглига шайтон васваса солади. У ўзини ҳеч ким кузатмаётганлигига ишонч ҳосил қилган, секингина банк картасини олиб, ташқарига йўл олади. Кутилмаганда у Гулдона Муродова билан тўқнаш келади, ранги оқариб кетган қиз теъза ўзини унгли олади. Гулдона чиптасини кўрсатиб, ўзининг қайси вагон ва жойга билет олган-

нини кўриб беришини илтимос қилади. Яратган Назокатни тўғри йўлга бошлаш, гуноҳга ботмаслик, эгри йўлга қадам қўймаслик – олган банк картасини ўз вақтида эгасига қайтариш имконини бериш учун уларни бир-бири билан учраштирадир, эҳтимол. Аммо Назокат тақдирнинг бу сийловидан тўғри хулоса чиқармади, синовларни енга олмади: текин маблагга эга бўлиш фикри устун келди, банк картасини қайтармасдан Гулдона Муродованинг чиптасини кўриб, вагон ва жой рақамларини маълум қилади.

Назокат Гулдонанинг ёнидан тезлик билан узоқлашар экан, банк пластик картасидан пулларни нақдлаштириб олиш мақсадини амалга ошириш ниятида банккоматта яқинлашади. Ёдида сақлаган пластик коддини териб, дастлаб 500 минг сўм, кейинчалик эса 1 миллион 700 минг сўм пулларни ечиб олади. Ечиб олинган 1 млн. 700 минг сўм пулни дугонаси ёрдамида онасининг пластик картасига ўтказиб юборади. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: нахотки, унинг онаси қизидан бу пулларни қаердан ва қимдан олганлигини сўрамаса? Бировнинг ҳақидан ҳазар қилмаган Назокат жиноятни давом эттиради. Дўконга кириб 40 минг сўмга озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиб, тўловни ўғирланган пластик картаси орқали амалга оширади.

Ўз навбатида Гулдона Муродова банк пластик картасини топа олмаганидан сўнг бу ҳақда ички ишлар ходимларига мурожаат қилади. Улар томонидан олиб борилган тезкор қидирув натижаларига кўра Назокат содир этган қилмиш фош этилади.



Нуфузли олийгоҳда таҳсил олаётган, келгусида юрт равнақи учун хизмат қилишга аҳд қилган, оқила оила бекаси бўлишни ният қилган қизнинг ўғирлик қилиши одамнинг етти уҳда тўлишига кирмайди. Афсуски, Гулдона Муродовага тегишли банк пластик картаси Назокат Ҳамидовадан ашёвий далил сифатида олинади. Утказилган тергов ҳаракатлари жараёнида талаба қиз ишидан пушаймонлигини, бу қилмиши билан нафақат ўз номига, балки таҳсил олаётган олийгоҳи номига ҳам доғ туширганини англаб, тинмасдан кўз ёшини тўқди, аммо минг афсуски, энди кеч...

Назокатга тегишли жазо тайинланди. Уйлаймизки, бу унинг ўз қилмишидан тегишли хулоса чиқариб олишига етади. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Назокатнинг со-

дир этган бу жинояти унга сабоқ бўлиши билан бирга умр бўйи ўчмас доғ бўлиб қолади. Бекорга ота-боларимиз иморатнинг пойдеворини мустаҳкам қуришга эътибор қаратишга кирмайди. Негаки, бундай иморат тўғрисида бундай қилмиш бўлиб, эгаси ундан узоқ йиллар фойдаланади.

Демоқчимизки, ота-оналар фарзанд, айниқса, қиз бола тарбиясига катта масъулият билан қарашлари даркор. Чунки улар келажак яратувчилари, бўлгуси оналардир. Назокат ҳам тўғри тарбия олинганда, ҳалол, тўғрисида, одоб-ахлоқли бўлганда бировнинг ҳақиқа кўз олаётирмас, пластик картани эгасига қайтариб бериб, дуо олар, савоба қолар, ота-онасига раҳмат келтирар эди.

Эъзоз ва эътибор

Қатагон қурбонлари хотирасига эҳтиром кўрсатилди

Ўтганларни ёд этиши, уларнинг муқаддас хотираларига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиши халқимизга хос эзгу фазилатлардан биридир.



**Замира АБДУЛЛАЕВА,
Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби**

"Адолат" социал-демократик партияси Хоразм вилоят ҳамда Урганч шаҳар кенгашлари ҳамкорлигида халқимизнинг азалий қадриятларига ҳадоҳанг равишда партиянинг "Эъзоз ва эътибор" лойиҳаси доирасида Урганч давлат университети тузилмасидаги "Қатагон қурбонлари хотираси" музейида "Инсон азиз – хотира муқаддас" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди. Тадбирда партия фаоллари, депутатлари ҳамда УрДУ талабалари иштирок этишди.

Ёш авлодни мустақиллик ва адолат тантанаси учун курашган фидойи ота-боболаримизнинг хотирасига ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг кўрсатган жасорати ва ибратли фаолиятини келажак авлод онгига синдириш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирни музей директори, партия фаоли Юлдуз Раҳмонова кириш сўзи билан очиб берди.

Қайд этиб ўтилганидек, Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 8 октябрдаги "Қатагон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва улар хотирасини абадийлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармойишида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида қатор амалий ишлар амалга оширилди. Жумладан, музейни ташкил этиш жараёнида изланишлар олиб борилган ва аҳоли кўлидан маълумотлар ва ҳужжатлар топилиб, музей фондига топширилган. Қатагон қурбонлари бўлган хоразмликларнинг авлодлари ва яқинлари, ўша давр воқеаларини чуқур биладиган кишиларнинг хотираларини ёзиб олиш, оилавий архив ва кутубхоналарда сақланаётган тарихий материаллар, ноёб суратларни тўплаш ишлари амалга оширилган.

Тадбир давомида музейга хорижлик меҳмонлар, хусусан, Чехия, Россия, Озарбайжон, Туркиядан ташрифлар ҳам амалга оширилаётгани, уларга музей ҳақида кенг маълумотлар бериб келинаётгани, Хоразм тарихи ва маданиятининг туризм ривожигаги тугган ўрни ҳақидаги маълумотлар тадбир иштирокчиларида қизиқиш уйғотди. Қатагон қурбонларининг ноёб фотосуратлари, экспонатлар ва бошқа материаллар намойиш этилди. Бир сўз билан айтганда, тадбир таассуротларга бой бўлди.

Тадбир якунида партияга аъзо бўлиш истagini билдирган иштирокчиларга аъзолик билетлари тантанали топширилди ҳамда янги бошлангич партия ташкилоти ташкил этилди.

Ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида "Қатагон қурбонлари хотираси" музейи билан "Адолат" СДП Хоразм вилоят кенгаши ўртасида меморандум имзолаш режалаштирилди.

Воҳамизда ўқув муассасалари, кенг омма орасида жабрланган аждодларимиз хотирасига эҳтиром кўрсатишга қаратилган ҳамкорликдаги тадбирлар давом этади.

ПОРА ТАКЛИФ ҚИЛДИ...

Бугунги кунда хотин-қизларимиз жамият ҳаётининг турли жабҳаларида фаолият олиб бормоқда. Улар ўқитувчи, шифокор, олимпиа, ошпаз, қўйински, барча соҳада меҳнат қилиб, қадр топмоқда, ҳурмат-эътиборга сазовор бўлмоқда. Аммо орамизда онда-сонда бўлса-да, аёллик шаънига доғ тушираётганлар ҳам учраб туриши ачинарли ҳолатдир.

**Сардорбек СОДИҚОВ,
Жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг раиси**

Яқинда судда Яшнобод туманида яшовчи И.К исмли аёлнинг иши кўриб чиқилди. Гап шундаки, шу йилнинг 7 мартдан 8 мартга ўтар кечаси Миробод туманида ўтказилган тадбирда салонларнинг бирини ишловчи И.К.нинг ҳуқуқбузарлик содир этганини аниқланди. Туман ИИО ФМБ ходимлари Ж.Эгамбердиев ва Ш.Лаханов унга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштиради. Ушбу ҳужжатга асосан И.К.нинг иши судда кўрилиб, қонуний чора кўрилиши керак эди. Бироқ аёл баённомани йўқотиб, ишни судга ўтказмаслик учун ички ишлар ходимларига бир неча марта пора таклиф қилади. Профилактика инспектори Ж.Эгамбердиев билан лейтенант Ш.Лаханов аёлнинг бу ҳаракати жиноят эканлиги ҳақида огоҳлантиради. Аёл эса огоҳлантиришларга эътибор бермай пора таклиф қилишни давом эттиради. Шундан сўнг профилактика инспекторлари Тошкент шаҳар ИИББ ўз хавфсизлик хизматида билдирги билан мурожаат қилиб, аёл пора таклиф қилаётганини баён қилишади. Уларнинг билдиргиси бўйича 17 мартда ўтказилган тезкор тадбирда аёл Миробод тумани ИИО ФМБнинг 406-сонли хизмат хонасида профилактика инспекторига 300 АҚШ доллари берган вақтида ушланган.

– 7 март кунини раҳбарият буйруғи билан туниги тадбирга жалб қилинди, – деб судда кўрсатма берди гувоҳ, профилактика инспектори Ж.Эгамбердиев. – Ҳуқуқбузарлик содир этган И.К.дан тушуштириш олиб, баённома расмийлаштирдик. Аёл эса тўпланган материални судга ўтказмаслик, йўқотиб юбориш вазива пул таклиф қилди. Аёлни пора бериш жиноят эканлиги ҳақида огоҳлантирдик. Унга ва гаплар таъсир қилмади. Унинг ноқонуний иши юзасидан раҳбариятга билдириб билан мурожаат қилди ва чора кўришни сўради. Шундан сўнг тезкор тадбир режаси ишлаб чиқилди. И.К. менга 300 АҚШ доллари берган вақтида ушланди.

Суд судланувчи аёл ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериб, ҳукм чиқарди. Қонунга хилоф эканлигини билан туриб профилактика инспекторига пора берган аёлга 2 йил муддатга озодликдан чеклаш жазоси тайинланди.

Жиноятга жазо муқаррар

ЎЗБЕК ДОШЛИКНИНГ МАНГУЧЛИК РИШТАЛАРИ

Ислом ҲАМРО,
журналист

КОСОНСОЙЛИК АЪЗАМЖОН АКАНИНГ ТАШАБУСИ

Бу гал водий вилоятларига қилган обунаолди сафаримиз жуда сермазмун бўлди. Аввалига Наманган вилоятда газетхонлар билан учрашув ўтказдик. Кейин қосонсойлик адабиёт фидойиси, шеърят шайдоси Аъзамжон Ҳожи Мамажонов туманининг "Озод" ва "Боғ кўча" МФЙлари чорраҳасида ўз ҳисобидан очган кутубхонада бўлдик. Шу ўринда таъкидлаб ўтишни истардикки, "чекка бир қишлоқнинг, чекка уйда", бунинг устига ўз шахсий маблағи ҳисобидан, айрим "замонавий тадбиркорларимизни ҳайрат"да қолдириб, бирон-бир моддий манфаат кутмасдан кутубхона очган инсонга қойил қолдик. Тўғри, кутубхона фонди жуда катта эмас. Кутубхонада турли соҳалар ва мавзулардаги 1500 га яқин китоб тўпланган. Лекин савоб ишга бош қўшишни истаган зиёли инсонлар ҳисобига китоблар сони кундан кунга кўпайиб бормоқда экан. Биз ҳам ана шу савобли ишга шерик бўлиш мақсадида кейинги келишимизда, албатта, кутубхонага китоблар совға қилишни ният қилдик. Бунинг устига Аъзамжон ака имконидан келиб чиққан ҳолда кутубхона учун юртимизда чоп этилаётган бир қатор газета-журналларга ҳам обуна бўлибди. Яна ўз шахсий жағғармаси ҳисобидан! Бу олихўмат ишлари учун ушбу зиёли инсонга мингдан-миг раҳматлар айтдик. Юртимизда шундай инсонлар борлигидан дилдан қувондик. Аъзамжон аканинг кутубхонани юритишга масъул бўлган қизи Назираҳон Мамажонова билан суҳбатимиз куйидагича кечди.

— Тўғриси, отам кутубхона очамиз деганларидан бошқалар қатори менинг кўнглимдан ҳам "бугун орамизда китоб ўқийдиган одам топилаётган", деган иштибоҳ ўтган эди, — деди Насибхон. — Аммо отамнинг кўнглиллари қараб, та-



али Ҳожи Ҳайдаровни эсга олдик. Шунда Абдухалил ака "Муҳаммадалини бир кўриб келмаймизми?" деб қолди. Тўғриси, тақлиф бир томондан маъқул келган бўлса, бошқа томондан кўнглимизда озгина хавотир уйғотди. Тақлифинг маъқул келган томони, Муҳаммадали ака билан Ҳали Тошкентда, Ҳали Фарғонада учрашиб турамыз. У киши ҳар келганда бизни меҳмонга тақлиф қилади. Биз ҳар сафар ваъда берамиз-у, лекин...

Энди шу ўринда кўнглимизда хавотир уйғонишига сабаб бўлган воқеани ҳам эслаб ўтмасак бўлмас.

...Бундан ўн йиллар аввал кўшни давлатлардан бирига йўлимиз тушди. Чегарада машинамизни тўхтатган "қардош чегарачи"лар ҳали унга, ҳали бунга тирғала бошлашди. Шунда ҳайдовчимиз кулогимга шипшиди: "Ака, ўн доллар бермасак, ушлаб туришаверади". Мен чўнтак қовлаётганимда шерикларимиздан бири — ўша пайтларда у киши катта идорада ишларди — чўнтагидан хужжатини олиб, чегарачига берди. Чегарачи йигит хужжатни очиб ҳам қарамасдан чўнтагига солиб, биз-

қардош қирғизистонлик чегарачиларнинг муомаласини кўриб, Абдухалил ака бир кун аввал бизга тўғри гапирганига амин бўлдик. Чунки Ўзбекистон томондан ҳам, Қирғиз Республикаси томондан ҳам чегарачиларнинг жуда самимий, яхши муомаласига гувоҳ бўлдик.

Чегарадан ўтиб олгач, аввал ўша саёҳат қилишни келишиб олдик. Шаҳарни томоша қилиб юриб, Бобур номли Ўш давлат Академик ўзбек мусикали драма театрининг муҳташам биноси ёнидан чиқиб қолдик. Ўзга юрда ўз юртинга алоқдор бўлган, она тилимизда фаолият юритадиган санъат масканини кўриш кишига ўзгача завқ беради. Шу боис театрга киришга қарор қилдик. Буни қарангки, бизнинг театрларнинг акси ўлароқ, Ўш театри душанба кун ишлар экан. Театр директори Аъзам Раҳим Абдуразоқов билан танишиб, суҳбатлашдик. Театрнинг ўтмиши ва бугуни билан қизиқдик. Кўйида театр директори Аъзам Раҳим Абдуразоқовнинг Бобур номли Ўш давлат Академик ўзбек мусикали драма театри ҳақидаги ҳикояси билан танишасиз.



шаббусларини қўллаб-қувватладим. Буни қарангки, хавотирим нотўғри бўлиб чиқди. Кутубхона очилганига бир ой бўлмасдан аъзоларимиз сони минг нафардан ошиб кетди. Кутубхонамиз аъзоларининг асосий қисмини хотин-қизлар ва ёшлар ташкил этаётгани эса отам бекорга бу ишни қилмаганини кўрсатиб турибди...

Назираҳоннинг мана шу сўзлари бугун катта-ю кичик минбарларда туриб "Энди ҳеч ким қозоғга босилган китобларни ўқимайди. Босма газета-журналларнинг умри тугади. Босма нашрлар энди тарихда қолди. Бугунги ёшлар фақат замонавий гаджетлардан фойдаланади", дея аюҳаннос солаётган ва газета-журнал ўқимаётган айрим раҳбарларга сабоқ бўлса ажаб эмас...

ИККИЛАНИШ БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ТАҚЛИФ

Сафаримизнинг иккинчи куни Фарғона вилоятга бўлди. Олти-ариклик газетхоналар билан учрашгач, газетамизнинг доимий мухлиси Абдухалил ака Маматов билан бир пиёла чай устида гурунлашиб ўтирганимизда қирғизистонлик қадрдонимиз Муҳаммад-

дан узоқлашди. Нима қилишимизни билмай турганимизда яна ҳайдовчи гап қўшди: "Ака, хужжат кўрсатиб бекор қилдингиз. Булар бизнинг хужжатларимизни тан олишмайди. Энди хужжатингизни қайтариб олиш учун ҳам бирор нарса беришингизга тўғри келади..."

Тўғриси, бу воқеани эслагим ҳам келмайди. Гап тўғри келиб қолгани учун айтаялман, холос. Хуллас, ўшанда йўлдан ўтиш ва шеригимизнинг хужжатини қайтариб олиш учун бир соатдан кўпроқ вақт овора бўлиб, яна нақд эллик доллар беришимизга тўғри келган...

Абдухалил ака биз эслаган воқеалар тарихда қолиб кетганини, ҳозир чегара ўтказув постлари бутунлай бошқача кўриниш олгани-ю чегарачиларнинг муомала маданияти ҳам 180 градусга ўзгариб кетганини айтса ҳам, иккилана-иккилана тақлифни қабул қилдик. Эрталаб Қирғизистонга жўнашга келишиб, меҳмонхонага йўл олдик.

ҚИРГИЗИСТОНГА САЁҲАТ

Қувасойдаги ўзбек — қирғиз чегара постидан ўн дақиқага қолмасдан ўтдик! Ҳеч қандай оворатгарчилик бўлмади. Ўзимизнинг ва

ЎШ ТЕАТРИ ҲАҚИДА

— Ўш театри фаолияти ўзбек ва қирғиз санъатининг кўпгина улуг сиймолари номлари билан узвий боғлиқдир. СССР халқ артисти Муротбек Рисуқлов, Ўзбекистон халқ Ҳофиз, Қирғиз халқ артисти Абдулла Тароқ, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Қосимали Жонтушев ва бошқа кўп-лаб таниқли, машҳур инсонлар театримиз билан яқиндан ҳамкорлик қилган.

Ижодий коллективни Гоголь ва Гоцци, Шекспир ва Шиллер, Тагор каби классиклар билан бир қаторда Ҳамза, Комил Яшин ва Уйғун, Чингиз Айтматов ва Тўқтаболот Абдумомунов, Қувончбек Маликов ва Бексултон Жакиевларнинг юксак ғоявий-бадиий саҳна асарлари чиниқтирди ва камолот чўққилари сари етаклади.

Энди театримизнинг тарихига назар ташласак. Санъатсавар инсонлар Бекназар Назаров ва Иброҳим Мусабоевнинг ташаббуси билан 1919 йили Ўш ҳарбий гарнизони қошида драма труппаси ташкил этилади. Труппа иштирокчилари А.Саидов, А.Эшонхонов, Р.Мадазимов, Ж.Зайнабидинов,



Н.Камоловлар бир вақтнинг ўзида ҳам рессом, ҳам гримчи, ҳам актёр бўлишган.

Ўша даврдаги ташкилий қийинчиликларга қарамай, театр ўз репертуарини янги, ғоявий-бадиий етук асарлар ҳисобига кенгайтириб боради. Бу ишда театрга СССР халқ артисти Раҳим Пирмуҳамедов, Ўзбекистон ССР халқ артисти Хўжа Латипов, Қудрат Хўжаевлар катта амалий ёрдам кўрсатишган. Уларнинг сайёҳаракатлари билан Ўш театри саҳнасида "Гулсара", "Уроқлар", "Алишер Навоий" каби йирик асарлар саҳналаштирилган.

Театр даврининг долзарб масалаларини кўтариб чиқиш, энг яхши пьесаларни саҳналаштиришга асосан 1929 йилдан бошлаб киришади. Қирғизистон Халқ Комиссарлари Советининг қарорига биноан шу йилдан театр профессионал жамоа сифатида иш бошлади. Ўша йили К.Яшин ва М.Муҳамедовнинг "Гулсара" мусикали драмеси саҳнага қўйилиши катта воқеа бўлди.

Театр саҳнасида яратилган жуда кўп асарлар, айниқса, мусикали драмаларнинг муваффақияти Қирғизистон бунёдчилари, республика халқ артисти Тожихон Ҳасанова, Лайлихон Моидова, Толибжон Бадинов, Шавкат Дадажонов, Расулжон Ураимжонов, Ойтожи ШобдONOVA номлари билан бевоқифа болғлиқдир.

Ижодкор ёшларнинг эҳтиёжлари ва уларни қизиқтираётган муаммоларни ўрганиш, истеъодларини ривожлантиришга ёрдам бериш каби муҳим масалалар жамоанинг диққат марказидан ўрин олган. Театримиз қошида ўз атрофида 20 га яқин санъат шинавалдарини бирлаштирган ҳаваскорлар студияси ишлаб турибди. Бу студиянинг асосий вазифаси рақс, ашула айтиш, соз чалишга ихлосманд, қобилияти ёшларни танлаб, улардаги истеъдодни тарбиялаш, шу йўл билан театр учун муносиб уринбосарлар етказиб беришдан иборат.

Жамоамизнинг республикада театр санъатини ривожлантиришдаги кўп қирралли ва самарали фаолиятини, санъаткорларнинг ижодий юксалиши ва юқори савиядаги спектакллар мажмуини ҳисобга олиб, Қирғиз Республикаси Президентининг фармони билан театрга "Академик театр" мақоми берилди.

Ҳозирги кунгача театримиздан 10 нафар Қирғиз Республикаси халқ артисти, 28 нафар хизмат кўрсатган артист, 6 нафар хизмат кўрсатган маданият арбоби, 20 га яқин республика маданият аълочилиги етишиб чиқди. Шу кунларда театр репертуарида Султон Ревнинг "Лайлақлар ноласи", "Тож", Ўткир Хошимовнинг "Урушнинг сўнги кўрбони", Қайрат Иманалиевнинг



(Йўл очерки)

лислар учун ҳам мақсадга мувофиқ бўлмоқда.

Шунингдек, замонавий қулайликларга эга бўлган овоз ёзиш студияси, видеоустуна, репетиция зали ташкил этилди. Бу қулайликлар театр актёрларининг ижодий ишларини ривожлантиришга, ижодий янгиликлар яратишга туртки бўлмоқда. Юз йилдан ортиқ фаолият кўрсатаётган театримизнинг бой тарихини ёритиб беришга хизмат қилаётган театр музейига алоҳида эътибор берилди.

Ҳозирги кунда театримиз жамоаси Озарбайжон драматурги Юнус Ғузу қаламига мансуб "Аттила" спектакли устида ишламоқда. Ушбу тарихий-фалсафий спектаклда туркий халқлар тарихи, бирдамлиги тарғиб қилинади. Театр эса бу асар орқали дўстлик рамзи сифатида катта гастроль сафарларига тайёрланмоқда. Шунини алоҳида эътироф этиш керакки, мазкур асар театр саҳнасида илк бор қўйилмоқда.

Бундан ташқари, қирғиз халқ эъзучиси Чингиз Айтматовнинг 95 йиллигига бағишлаб, адиб қаламига мансуб "Тоғлар қулаганда" қиссаси асосида "Мангу қайлиқ" спектаклига тайёргарлик ишлари ҳам авжида...

МУҲАММАДАЛИ АКАНИНГ ЭЪТИРОЗИ

Аъзам Раҳим Абдуразоқов билан суҳбатимизни якунлаб, "қайдасан, Новқат", деб йўлга тушдик. Новқат шаҳрига кираверишда бизни Муҳаммадали ака Ҳайдаров кутиб олди. Шаҳарнинг қатта-кичик мавзеларини томоша қилиб, кечга Муҳаммадали аканиги қўноқ бўлдик. Узоқ давом этган суҳбатдан кейин Муҳаммадали ака билан ёлғиз қолганда у кишига эрталабдан бери миямда айланиб юрган саволни бердим.

— Муҳаммадали ака, миллий масала қай аҳволда? Оқсоқол менга ҳайрон бўлгандек қаради. Ўзимча яна саволга аниқлик киритган бўлдим.

— Қирғизлар билан ўзбекларнинг муносабатлари қандай, демокчи эдим?

Негадир мезоннинг қовоғи уюлди. Шундан сездимки, Муҳаммадали акага саволим ёқмади. Орага совуқ жимлик чўкди. Оқсоқол ниҳоят меҳмонлигимизни ҳисобга олди, шекилли, орадан бир муддат ўтиб, саволимизга жавоб берди.

— Негадир Ўзбекистондан келган таниш-билишлар шу саволни жуда кўп беришади. Шу саволни эшитсамгина ўзимнинг ўзбеклигим-у қўшнимнинг қирғизлиги ёдимга тушади. Аслида биз, новқатлик, ўшлик, умуман олганда, қирғизистонлик ўзбек ва қирғиз халқи эт билан тирноқ бўлиб кетганмиз.

Тилимиз бир, динимиз бир, имон-этиқодимиз бир. Биримиз кўз бўлсак, биримиз қошимиз. Мана шу, ҳозир биз ўтирган ҳовлида отам тутилган, ундан кейин мен дунёга келганман. Кейин фарзандларим туғилишди. Элда "яхши-ёмон кунинда ёнингдан турган қўшни қариндошдан яқин бўлиб кетади", деган гап бор. Жуда тўғри. Жуда топиб айтилган гап. Биз ҳам қирғиз қўшнилари билан қон-қариндош, қанда-анда бўлиб кетганмиз. Бу юрда ҳеч ким бу қирғиз, бу ўзбек, деб қарамайди. Шунинг учун ҳам сиз берган саволни ёмон кўраман.

Яқин ўтмишга бир қаранг. Чегаралар берк эди. Ўзбекистондаги қон-қариндошларимизнинг на тўйи, на маъракасига бора олмадик. Шунда бизнинг тўй-маъракамизда енимизда шу қирғиз биродарларимиз туришди-ку. Худога шукр, бугун йўлларимиз очилди. Мана, бугун сиз Қирғиз Республикасига келдингиз, эртага мен Ўзбекистонга бораман. Биров нега келдингиз, нега кетдингиз, демайди. Ҳар кунги номозимда дуо қиламан, ўзбек ва қирғиз халқларининг қадимий қардошлигини тиклаб, янада яқинлашишига сабабчи бўлган икки юртнинг раҳбарлари омон бўлишсин, дунё тургунча туришсин!

ХУЛОСА ЎРНИДА

Юрган дарё, ўтирган бўйра дейди, доно халқимиз. Ҳақ гап. Биз ҳам бордик. Кўрдик. Яқин бўлса-да, ўзга юрда яшаётган миллатдошларимиз билан суҳбатлашиб, уларнинг янаш шароитлари билан танишдик. Қирғизистонда яшаётган ўзбек ва қирғиз дўстларимизнинг Янги Ўзбекистон ҳақидаги фикрларини эшитдик. Ва амин бўлдикки, Муҳаммадали оқсоқол айтганидек, азал-азалдан ўзбек билан қирғиз, эт билан тирноқ бўлган. Қардошлик илдизлари ниҳоятда мустаҳкам. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади.

ҚОЗОҚ ДЕТЕКТИВ НАСРИ НАМОЯНДАСИ

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номи Миллий кутубхонада қозоқ адабиёти детектив жанрининг асосчиси ҳисобланган атоқли адиб Кемел Тоқаевнинг 100 йиллигига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди.



Анжуманда соҳа мутахассислари томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, Кемел Тоқаев нафақат қозоқ адабиётида, балки туркий халқлар адабиётида детектив жанрининг асосчиларидан бири саналади. Ўзбекистонда адибнинг асарларини севиб мутолаа қилишади. Эътиборли томони шундаки, Кемел Тоқаевнинг детектив жанрдаги асарлари билан бир қаторда тарихий ҳамда ҳарбий мавзудаги китоблари ҳам ўзбек ўқувчиларининг эътирофига сазовор бўлган.

Кўп сонли ёзувчи-шоирлар, адабиётшунослар, жамоат арбоблари, оддий китобхонлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари йиғилган тадбир доирасида Кемел Тоқаевнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм намойиш этилди, шунингдек, "Туркий олам детектив жанрининг асосчиси" мавзуда

китоб-журналлар кўргазмаси ташкил қилинди.

Шу ўринда бугунги ёш китобхонлар учун муаллиф ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсак. 1923 йилнинг 2 октябрида Олмаота вилоятининг Қоратол туманида туғилган Кемел Тоқаев болалигидан етимлик, йўқчилик, очлик уқубатларини бошидан ўтказиб улғайди. Шунга қарамасдан, мактабда яхши ўқиди. Улуғ Абай китобларини жон-дилидан яхши кўрадиган, шу боис қозоқ тили ва адабиёти фанидан доим аъло баҳолар оладиган ёш Кемел келажақда журналист ёки тарихчи олим бўлишни орзу қиларди.

Бироқ кутилмаганда уруш бошланиб қолди.

Сержант Кемел Тоқаев урушни Сталинград остонасида оғир жангларда иштирок этишдан бошлади. У танк полки таркибидан Украина, Белоруссия, Польшани фашистлардан озод қилишда иштирок этди,

бир неча мартаба ярадор бўлди. Навбатдаги жароҳати оғир бўлгани сабабли уни даволаниш учун юртига қайтардилар. Алматида шифохонада ётган Тоқаев анча пайтгача ҳасасга таяниб юришга мажбур бўлди.

Илмга ташна йигит Қозоғистон давлат университетининг филология факультетига ўқишга кирди ва уни битиргач, узоқ йиллар республика газета-журналларида меҳнат қилди.

Айнан шу йиллари ёш қаламкашнинг истеъдоди "ярқ" этиб кўзга ташланди.

Дастлаб, ҳали талабалик пайтидаёқ Кемел Тоқаев "Аскар урушга кетди" номли роман ёзди. Асарда урушнинг бутун даҳшати, ажал билан ёнма-ён юриш азоби, ҳақиқий синовлардан ўтадиган жангчилар дўстлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

Бирин-кетин ёш адибнинг Қозоғистон кашшофлари ҳақидаги

"Юлдузли саёҳат", саргузашт жанридаги "Сўнги зарба" асарлари яратилди.

Кемел Тоқаев драматургия жанрида ҳам самарали ижод қилди. Унинг "Ким айбдор?" пьесаси республиканинг кўплаб театрлари репертуаридан мустаҳкам жой олди.

Газета-журналларда эълон қилинган қатор асарлари, айниқса, 1958 йили чоп этилган "Тошқин" китоби Кемел Тоқаевнинг қозоқ адабиётида детектив жанр асосчиси мақомини мустаҳкамлади.


Кемел Тоқаевнинг кетма-кет ўқувчилар қўлига етиб борган "Қишки қалдирғоч", "Келажак ҳақида ўйлар", "Тунда узилган ўқ", "Душманлик", "Муҳим топшириқ", "Тамғали тилла" тўпламларидаги ҳикоя ва қиссалар, "Сўнги зарба", "Аскар урушга кетди", "Уясиз қуш" романлари унинг номини машҳур қилди.

1962 йили К.Тоқаев 1943 йилнинг ноябрь ойида Киевни озод қилиш учун кечган қонли жанглар ҳақида автобиографик "Махсус топшириқ" деб номланган қиссасини эълон қилади. Эътиборли томони шундаки, қиссани машҳур қаҳрамон, 1941 йилнинг кузида Панфилов дивизиясининг ўзи командирлик қилган батальонда Москвадан душмандан ҳимоя қилган Бовуржон Мўмиш ўғли рус тилига ўттирилган.

Яқинда Олмаота шаҳрида Кемел Тоқаев таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан "Қозоқ детектив жанрининг асосчиси" мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистондан Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, шоир Минҳожиддин Мирзо ва Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир иштирок этди.

ТУРКСОЙ бош котиби Султон Раев, Қирғизистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Нурлан Қалибеков, россиялик ёзувчи Дмитрий Шестаков каби хорижлик меҳмонлар ҳам қатнашган анжуманда Кемел Тоқаевнинг ўзбек тилига таржима асарлари жамланган китоб тақдим этилди. Таъкидландики, ушбу янги нашр ёзувчи ижоди ўзбек китобхонлари учун ҳам сеvimли эканидан далolat бўлиб, икки қардош халқ адабий дўстлигини янги босқичга кўтариш йўлидаги бир қадамдир.

Бугуннинг гапи



Ўқишга қабул синовида ёзма иш олинса...

Ҳар йили 21 октябрь – Ўзбек тили байрами кунини яқинлашаркан, давлат тили, яъни ўзбек тилига бўлган таъбибот ишлари кучаяди. Тадбирлар учрашувларда она тилимизнинг беқиёс куч-қудрати ҳақида бонг урилади. Афсуски, барчаси яна кампаниябозлик, ҳисоботлар билан тугайди. Ваҳоланки, ўзбек тилига эътибор фақат шу санада эмас, балки ҳар кунини, ҳар дақиқада бўлиши керак-ку?!

Саводхонлик масаласи бугунги кунда таълим учун ниҳоятда долзарб бўлиб, у аҳоли маданий савияси кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Саводли бўлишни тўғри ёзиш хатосиз талаффуз қилишдан иборат деб тушунамаслик керак ва у ҳар бир соҳа учун муҳимдир.

Мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёшлар орасида ёзма саводхонлик маданиятини тарғиб этиш, ўзбек тилига бўлган ҳурмат ва қизиқишни ошириш муҳим вазифалардан бири саналади. Албатта, шундай вақтда ўзбек тили ва адабиётининг баъзи бир муаммоларига тўхталиш айти мудоа бўлиб, бу ҳам бўлса, ёзма саводхонлик масаласидир.

Олий ўқув юртларида филологлар, ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиларини тайёрлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этилгани улғу бобомиз хотирасига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш билан бирга она тилимиз, маънавиятимиз, миллий адабиётимизни янада ривожлантириш ва юксалтириш йўлида муҳим қадам бўлди.

Умуман айтганда, бу борадаги ишлар таҳсинга лойиқ. **Афсуски, баъзи бир муаммолар ҳам борки, бунга эътибор қаратиш вақти келди, деб ўйлайми.** Бугунги кунда ўзбек филологияси факультетларини тамомлаётган ёшларимизнинг барчаси ҳам талабга жавоб бера оладими? Уларнинг хат-саводи қандай? Афсуски, ҳозир аксарият ўқитувчилар фаолиятида нутқ ва ёзма саводхонлик билан боғлиқ қатор муаммоларга дуч келинмоқда.

Кузатишлар шунини кўрсатмоқдаки, мазкур факультетларда таҳсил олаётган баъзи бир ёшлар матнда кўплаб орфографик хатоларга йўл қўяди. Бошқа хатоларни гапирмасангиз ҳам бўлади. Уларнинг ёзма саводхонлик масаласи бугунги кун талабига жавоб бермайди. Нега шундай?

Чунки олий ўқув юртларида ёшлар тест синовлари асосида ўқишга қабул қилинмоқда. Албатта, тест – адолат мезони. Ёшларимиз барча фанларни яхши ўзлаштириб, тестда юқори натижаларни кўлга киритгач, талабалик бахтига муяссар бўлмоқда. Кўплаб мутахассисликлар бўйича ёшларни ўқишга қабул қилишда тест синовлари билан бирга ижодий имтиҳонлар ҳам олинади. Аммо филология, хусусан, ўзбек тили ва адабиёти йўналишига ўқишга қабул қилишда бу тамойил негандир йўлга қўйилмаган. Натижада эса талабаларнинг ёзма саводхонлиги ва нутқ масаласи бугун кун тартибига чиқётган долзарб масала бўлиб қолмоқда. Эртага ёзма саводхонлиги нўноқ бўлган талаба қандай қилиб ёш авлодга она тилидан дарс беради?! Нутқда ҳам муаммо бўлса-чи?

Саводсизликни келтириб чиқарувчи сабаблар ва омишлар жуда кўп. Хусусан, бу соҳада илмий кўлланмалар, адабиётлар етарли эмас. Нашр этилган китобларда эса имловий, услубий хатоликлар учрайди. Матбуот, радио-телевидение, реклама соҳалари ҳам, афсуски, бундан мустасно эмас.

Умумтаълим мактабларида диктант, иншо каби ёзма иш олиш, ёшларни бадиий сўз санъатига қизиқтириш ишлари талабга жавоб бермайди. Саводхонлик, аввало, она тили ва адабиёти фани ўқитувчиларининг муҳим мезони сифатида белгиланиши шарт.

Кўплаб олимлар ва мутахассислар бир қатор чиқишларида мазкур муаммолар ҳақида сўз юритиб келмоқда. Аммо мутасаддилар негандир бунга эътибор қаратмаяпти.

Она тили ва адабиёти таълимини такомиллаштириш масаласига бепарволик билан қараб бўлмайди.

Яна шу долзарб мавзунини ўртага ташлаймиш. Филология факультетларида ўқишга қабул жараёнида ижодий ёзма иш ва суҳбатни йўлга қўйиш фурсати келганга ўхшайди.

Бу ҳақда бошқаларнинг фикри қандай?

Манба: uza.uz

Муҳиддин ОМАД

Пойгадаги устоз

Мартаба отини қамчилаб илдам, Маррани кўзлаган чопқир чавандоз, Сенга от минишни ўргатган одам – Чанг ичра қувониб турган чин устоз.

Босар-тусарини билолмай қолиб, Эй, пойи заминдан узилган банда, Унутма, бор илму закосин бериб, Пойгада ўтирган устоздир сенга.



Ахволимиз...

Тайёрада

Парвоз чоғи тайёранинг дилбар келини Кўк тоқини бизга тахти Сулаймон қилди. Лекин эълон ўқиганда ўзбек тилини Давлат тили бўлганига пушаймон қилди.

